


ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА

**ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

(“Кимё” фани мисолида)

МОНОГРАФИЯ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА

**ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ (“Кимё” фани мисолида)**

Монография

ЧИРЧИҚ - 2020

Ушбу монография Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг илмий-техник кенгашили 2021 йил «28» январдаги №2 - сонли мажлисида муҳокамадан ўтказилган ва тасдиқланган.

Муаллиф:

Исламова М.Ш. – “Педагогика” факультети мустақил тадқиқодчиси

Такризчилар:

А.К. Рахимов Тошкент вилояти чирчиқ давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори

С.Умаров Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти “Умумий педагогика” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I-БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ МУҲИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙУНАЛТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
§1.1. Мактаб ўқувчиларининг ўқув-билиш фаолияти ва касбий муҳим сифатлари таҳлили.....	6
§1.2. Умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг касбий дунёқараши тузилмаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	20
§1.3. Ўқувчиларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш усуллари тизими.....	36
§1.4. Ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришга доир хориж тажрибаси.....	52
I - боб бўйича хулоса	59
II-БОБ. КИМЁВИЙ БИЛИМЛАР АСОСИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ ВА МЕТОДИКАСИ	
§2.1. Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш мазмуни.....	61
§2.2. Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш методикаси.....	88
§2.3. Касбий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган масалалар тизими ҳамда уни баҳолаш мезонлари.....	112
§2.4. Мактаб ўқувчиларида касбий дунёқарашни шаклланиши даражасининг кимёвий билимларни ўзлаштиришга таъсирини тадқиқ этиш.....	133
II- боб бўйича хулоса	143
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.....	146
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	148

КИРИШ

Жаҳонда замонавий педагогик технологиялар, замонавий ўқув лойиҳалари негизида, “Lifelong learning” таълим дастурлари бўйича касбий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш муаммолари, жамиятга малакали кадрлар тайёрлаш жараёнларини халқаро андозаларга мослаштириш таълим сифатини тубдан яхшилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, хорижий мамлакатларда илғор педагогик тадқиқотлар билан шуғулланувчи University of the West of England (Англия), Curtin University (Австралия), Emily Carr University of Art and Design (Канада), Art Center College of Design (АҚШ) каби нуфузли таълим муассасаларида таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқувчиларда касбий дунёқараши устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

ЮНЕСКОнинг таълим, фан ва маданият масалаларига оид “Техникавий ва касб-хунар таълими тўғрисида”ги Конвенциясига (Convention on Technical and Vocational Education) мувофиқ глобаллашув шароитида меҳнат бозори талаблари асосида таълим хизматларининг инновацион технологияларини яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали таълим олувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро андозаларга мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан умумтаълим мактабларида пухта касбга йуналтирилган билимлар бериш, таълимнинг барқарор ривожланиши билан боғлиқдир. Ўз навбатида бу ўқув жараёнини касбий билимлар асосида ташкил қилиш орқали амалга оширилишини тақозо қилади. Бу эса таълим жараёнини бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш, унга тегишли ўқитиш технологияларни жорий қилиш, таълим мазмунини доимий равишда янгилаб боришга қаратилган методик таъминотни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Замонавий ўқитиш технологиялари билан узвийликда баркамол шахс тарбиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган касбий дунёқарашни ривожлантириш ва уни педагогик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш